# Арзонлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари савдо ярмаркаси давом этмоқда

Термиз тумани “Янги ҳаёт” маҳалласида жойлашган «Баракат» деҳқон бозори савдо ҳудудида ташкил этилган арзонлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари савдо ярмаркаси давом этмоқда ва маҳсулотларнинг белгиланган нархларда сотилиши йўлга қўйилган.

Шунингдек, маҳсулотларининг етарли захиралари яратилган бўлиб, сифати бузилмаслиги учун махсус омборхоналарда сақланиши таъминланган.

Фуқаролар ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини мазкур ярмаркадан арзон нархларда харид қилишлари мумкин.